



**COURSE: MANAGERIAL ACCOUNTING
LECTURE 4. PROCESS COSTING
HOME WORK WITH ANSWERS
XUSAINOV SH. PhD**

**“БОШҚАРУВ ҲИСОБИ - ФАНИ
4 – МАВЗУ. ЖАРАЁНЛИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ
УЙ ВАЗИФАСИ ЖАВОБЛАРИ БИЛАН
ХУСАИНОВ Ш., и.ф.н., доцент
САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШИНГИЗ КЕРАК:**

1. Жараёнли калькуляция тавсифини ёритиб беринг

Жараён бўйича калькуляциядан, одатда, ишлов беришнинг бир неча босқичидан ўтадиган бир хил маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Бунда маҳсулот билан боғлиқ аражатлар ҳисобини вақтнинг маълум даври бўйича юритиш мақсадга мувофиқдир. Кимё, ун, ёрма, ойна ва лок-бўёқ саноати бунга мисол бўлади. Харажатлар бўлинмалар бўйича ёки муайян даврдаги жараёнда тўпланади. Сўнгра умумий харажатларнинг солиштирма харажатларини аниқлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги миқдорига тақсимланади.

Бу усулда харажатлар ҳисобот даврида алоҳида бўлинмалар бўйича ёки маълум вақт давомидаги жараёнда тўпланади. Ҳар бир бўлинма учун «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» ҳисоб варағи очилади. Маҳсулот бирлигига ишлов берилиб тайёр қилинганга қадар у бир неча бўлинма ёки жараёндан ўтади. Ҳар бир бўлинмада харажатлар маҳсулотга ўтказилади. Ишлаб чиқариш жараёнининг охирида ушбу харажатлар маҳсулот бирлигига кетган умумий харажатларни аниқлаш учун жамланади.

Масалан, 1000 дона маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, маҳсулот бирлигига харажат 6,5 ш.б.ни ташкил этади (6500/1000).

2. Маҳсулот таннархини аниқлашнинг жараёнли усул қандай тарзда ташкил этилади.

Маҳсулот таннархини аниқлашнинг жараёнли усулидан маҳсулот ишлаб чиқаришда хом ашёнинг бир неча жараёндан ўтганидан сўнг тайёр маҳсулот ҳолига келадиган ишлаб чиқаришларда фойдаланилади.

- **Биринчидан**, ҳар бир қайта ишлаш бўлими учун алоҳида Иш жараёни ҳисоби юритилади. Иш буюртмалари нархини ҳисоблаш тизимида бутун компанияда фақат битта “Тугалланмаган ишлаб чиқариш” ҳисоб қайдномаси бўлиши мумкин.



- **Иккинчидан**, биринчи қайта ишлаш бўлимининг (А бўлими) тугалланган маҳсулоти иккинчи қайта ишлаш бўлимининг (Б бўлими) “Тугалланмаган ишлаб чиқариш” ҳисобига ўтказилади. Б бўлимида кейинги ишлардан сўнг, тугалланган бирликлар тайёр маҳсулотларга ўтказилади.
- **Учинчидан**, материаллар, меҳнат ва қўшимча харажатлар фақат биринчисида эмас ҳар қандай ишлов бериш бўлимида қўшилиши мумкин. “Б” бўлимининг “Тугалланмаган ишлаб чиқариш” счётидаги харажатлар Б бўлимида сарфланган материаллар, меҳнат ва қўшимча харажатлар, шунингдек, А бўлиmidан ўтказилган бирликларга тақсимланган харажатлардан (“ўтказилаётган харажатлар” деб аталади) иборат.

3. Маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг норматив усулини қандай фарқли жиҳатлар мавжуд?

Жараён бўйича калькуляциялашда барча ишлаб чиқариш харажатлари ва тайёрланган маҳсулот бирлиги миқдори ишлаб чиқариш ҳисоботида тўпланади.

Калькуляция бирлиги калькуляция объекти ўлчовидир. Уни танлаш маҳсулотни тайёрлаш хусусиятлари, номенклатура кенглиги, чиқиладиган маҳсулотнинг техник шартларигли боғлиқ бўлади.

Корхоналарда маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг норматив, жараёнли, буюртмали, маржинал, харажатларини умумлаштириш каби усуллари мавжуд.

Маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг норматив усули, харажатлар ҳисоби норматив усулнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Бу усулнинг афзаллиги унда ҳисоб-китобларнинг оддийлигидир.

Қуйидаги сабабларни мазкур усулнинг камчиликларига киритиш мумкин:

- фойдаланилган захиралар миқдори ва уларга қўйилган баҳолар назорати учун меъёрларнинг мавжуд эмаслиги;
- четланиш сабаблари, унинг айбдорлари, жойни аниқлаш ва таҳлил этиш имкониятлари йўқлиги;
- ишлаб чиқариш жараёнида харажатлар ҳисоб-китоблари фақат ҳисобот охирида ўтказилиши мумкин.

4. Тайёр маҳсулотлар захираларини калькуляция қилишнинг асосий икки усули кенга тарқалган?

Маҳсулот таннархини аниқлашнинг жараёнли усулидан маҳсулот ишлаб чиқаришда хом ашёнинг бир неча жараёндан ўтганидан сўнг тайёр маҳсулот ҳолига келадиган ишлаб чиқаришларда фойдаланилади. Таннархни калькуляция қилишнинг жараёнли усули узлуксиз, бир неча



босқичдан иборат жараёнлар бўйича кўп миқдордаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда қўлланилади.

Бунда маҳсулот таннархини калькуляция қилиш икки усулда амалга оширилади:

- **ўртача тортилган усули.** Мазкур усулда харажатлар, шу жумладан, ҳисобот даври бошидаги қолдиқ суммаси ҳам қўшилиб, шу даврда ишлаб чиқарилган шартли тайёр маҳсулот бирлигига бўлинади;

- **ФИФО усули.** Бунда ҳисобот даври бошидаги тугалланган аган ишлаб чиқариш қолдиғи тугатилади, сўнгра янги маҳсулот ишлаб чиқариш амалга оширилади. ФИФО усулини қўллашда бирмунча қийинчиликлар мавжуд, бироқ ўртача ҳисоб усулига нисбатан аниқроқ ҳисобланади.

5. Эквивалент (шартли) бирликлар қандай ҳисобланади?

Маҳсулот бирлигига мос харажатларни аниқлаш учун қилинган барча ишлаб чиқариш харажатларини ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига (умумий сонига) тақсимлаш лозим. Маҳсулот бирлигига мос харажатлар бошқа жараёнга (бўлинмага) берилган маҳсулотга ва давр охирида жараён захирасидаги (шу бўлинмадаги) маҳсулотга харажатларни ўтказиш учун базадир.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўлмаганда, яъни жараёнга киритилган барча бирликларга маълум даврда ишлов бериш тугалланган бўлганда, ҳисоблаш осон бўлар эди. Амалда давр бошида (охирида) маҳсулотга ишлов бериш қисман тугалланган бирликларига ҳам, тугалланмаган бирликларига ҳам тақсимланиши керак.

Бунда серияли ишлаб чиқариш корхоналарида ҳисобот даври бошланишида ва охирида ҳаммаша мавжуд бўладиган тугалланмаган ишлаб чиқариш шартли тугалланган маҳсулотга айлантириб ҳисобланади. Бу миқдор:

1. Мазкур ҳисобот даврида бошланган ва тугалланган маҳсулотларнинг умумий миқдори ва.

2. Ҳисобот даври боши ва охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш устида бажарилган жами харажатлар йиғиндисига тенг бўлади.

Таннархни жараёнлар бўйича калькуляция қилиш усулида бевосита материаллар харажати маҳсулотни ишлаб чиқара бошлашга киришиш пайтида амалга ошади, бевосита меҳнат харажатлари ва умумий ишлаб чиқариш сарфлари ишлов бериш харажатлари деб аталган гуруҳга бирлаштирилади ҳамда бутун ишлаб чиқариш даври давомида барабар (бир маромда) тақсимланади. Шу сабабли материаллар бўйича шартли бирликлар ишлов бериш бўйича шартли бирликлар миқдоридан фарқ қилади.

Шартли (эквивалент) бирликларни аниқлаш:



Барча ишлаб чиқариш фақат тугалланган бирликка олиб борганда, ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган бирликлар миқдори ҳисоблаб чиқилади. Масалан, давр охирида тугалланмаган ишлаб чиқаришда 1000 та маҳсулот бирлиги бўлса ва ишлов бериш 80 фоизга тугалланган бўлса, эквивалент ишлаб чиқариш 800 бирликни ташкил қилади (1 000 x 0,8 = 800).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Cost Accounting: A Managerial Emphasis / Horngren T. Ch., Datar S.M., Rajan M.V. / Published by Pearson, 2015
2. Managerial Accounting. 17th Edition / Ray H. Garrison, Eric W. Noreen, Peter C. Brewer / Published by McGraw-Hill Education, 2021
3. Management accounting Information for Decision-Making and Strategy Execution. 6th Edition Anthony A. Atkinson, Robert S. Kaplan, Ella Mae Matsumura. Madison S. Mark Young / Published by Pearson, 2012
4. Boshqaruv hisobi / Pardayev A., Pardayev B. / T.: G'.G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi., 2019
5. Boshqaruv hisobi /Israilov R.I., Maxsudov B.Yu.. / T.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2020
6. Boshqaruv hisobi. O'quv qo'llanma / B.A.Xasanov, Z.U.G'aniyev, M.A.Muxamedova / - T.: «Moliya», 2018 - 274 b.